

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

КАНГИЛБАЕВА ГУЗАЛ ЕРКИНОВНА

НОПРОЛИФЕРАТИВ ДИАБЕТИК РЕТИНОПАТИЯНИНГ
КОМПЛЕКС ТЕРАПИЯСИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ

14.00.08 – Офтальмология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)

ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Кангилбаева Гузал Еркиновна

Непролифератив диабетик ретинопатиянинг

комплекс терапиясини оптималлаштириш..... 3

Кангилбаева Гузаль Еркиновна

Оптимизация комплексной терапии

непролиферативной диабетической ретинопатии..... 21

Kangilbaeva Guzal Erkinovna

Optimization of complex therapy of

nonproliferativ diabetic retinopathy..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

42

Список опубликованных работ

List of published scientific works

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

КАНГИЛБАЕВА ГУЗАЛ ЕРКИНОВНА

НОПРОЛИФЕРАТИВ ДИАБЕТИК РЕТИНОПАТИЯНИНГ
КОМПЛЕКС ТЕРАПИЯСИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ

14.00.08 – Офтальмология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)

ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.2.PhD/Tib628 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг www.tsdi.uz ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталининг www.ziyo.net манзилларида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бахритдинова Фазилат Арифовна

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Иванова Нанули Викторовна

тиббиёт фанлари доктори, профессор (Россия Федерацияси)

Бузруков Батир Тулкунович

тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Мхитар Герацц номидagi Ереван давлат тиббиёт университети (Арманистон)

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат стоматология институти ҳузуридаги DSc.28.12.2017.Tib.59.01 рақамли Илмий кенгашининг 2019 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри Яшнабод тумани Махтумкули кўчаси, 103-уй. Тел/факс:(+99871) 230-20-65, 230-47-99, e-mail: tsdi2016@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат стоматология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: Тошкент шаҳри, Яшнабод тумани, Махтумкули кўчаси, 103 Тел/факс:(+99871) 230-20-65, 230-47-99.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2019 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Ж. А. Ризаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори

Л. Э. Хасанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Х.М. Камилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда аҳоли орасида соғлом овқатланиш тартибининг бузилиши, кунлик рацион таркибидаги ортиқча карбонсувлар миқдорининг истеъмол қилиниши, ортиқча тана вазн индекси ортиши, артериал гипертензив ҳолатлар қандли диабет касалигини ривожланишига шароит яратади. Кенг ва кундалик тарқалиш ҳолати билан боғлиқ ҳолда қандли диабет (ҚД) дунёнинг барча мамлакатлари амалий соғлиқни сақлаш миллий тизимининг устуворлигига таалукли бўлган ўткир ижтимоий муаммо бўлиб ҳисобланади. Қандли диабетнинг қамрови ва тиббий-ижтимоий аҳамияти беморлар сонининг кун сайин ошиш билан ЖССТ маълумотларига кўра «...422 миллион кишига етганлиги билан боғлиқдир...»¹. ҚДнинг қон томир асорати бўлган диабет ретинопатияга (ДР) кичик ва кекса ёшдаги беморларда ҳам тўлиқ кўзи ожизликка олиб қарашлар оммавий қабул қилинган ҳолат бўлиб ҳисобланади. ДРнинг патогенетик механизми кўп қиррали ва охиригача тўлиқ ўрганилмаган, аммо шунга қарамасдан кўп сонли муаллифлар «...гипергликемия билан боғлиқ бўлган модда алмашинуви кенг қамровли бузилишларини, ҳужайраларни глюкоза билан тўйиниши ва унинг парчаланишини полиол йўлини устуни бўлишига...»² аҳамият беради. Бугунги кунда диабетик ретинопатияни ўз вақтида ташхислаш ва даволашнинг самарали тизimini такомиллаштириш соҳа ходимлари олдида турган долзарб муаммолардан биридир.

Жаҳонда нoproлифератив диабетик ретинопатиянинг комплекс терапиясини оптималлаштиришга қаратилган кўп сонли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, нoproлифератив диабетик ретинопатияли беморларда кўзни клиник-функционал ўзига хослиги, диабетик ретинопатияни ривожланиш ҳавф индексини асослашдан иборат. Нoproлифератив диабетик ретинопатияни ташхислаш ва олдини олиш, кўриш фаолиятини кўрсаткичлари, кўзнинг ҳудудий гемодинамикаси, кўз ёш суюқлигини биокимёвий текшириш ва диабетик ретинопатия ривожланишининг ҳавф индекси асосида таклиф этилган эндонозал электрофорез шаклида даволаш самарадорлигини баҳолаш ва нoproлифератив диабетик ретинопатиянинг комплекс терапиясини оптималлаштириш ҳамда касаллик асоратларни

1 Глобальный доклад по диабету ВОЗ 2016 www.who.int/diabetes/global-report

2 D.A.Antonetti, R.Klein, T.W.Gardner. Mechanisms of disease: Diabetic Retinopathy // The new England Journal of Medicine.2012. Vol.366. N 13. P. 1227-1239

камайтириш, профилактик чора-тадбирлар механизмини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, сурункали касалликларни камайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»³ каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар аҳоли орасида кўриш аъзолари касалликларини камайтириш, ташхислаш ва даволашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали диабетик ретинопатия натижасидаги кўрликнинг ривожланиши ва ногиронлик кўрсаткичини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985 «Шошилиш тиббий ёрдамни келгусида такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5590-сон Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Турли муаллифлар берган маълумотларга мос ҳолда (Iwase T. 2017; Hernandez C.. 2012; Klein R. 2009;

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

Rodríguez-Carrizalez AD. 2016; Semeraro F. 2015; Tien Y.Wong. 2018) ҚДли 60-90% беморларда диабетик ретинопатия ривожланади. Wisconsin Epidemiologic Study of Diabetic Retinopathy (WESDR) ва Early Treatment Diabetic Retinopathy Study Research Group (ETDRS) томонидан олиб борилган кенг қамровли тадқиқотлар зарурий менежментда диабетик ретинопатиянинг 90% ҳолатида кўриш қобилиятини йўқотишининг олдини олиш мумкинлигини исботладилар. Кўплаб илмий тадқиқотлар ДРнинг эрта босқичларида қўллаш учун янада самарали консерватив даволаш усуллари излашга ва касалликни янада оғир шаклларига ўтишини олдини олишга бағишланган. ДРни даволашда пептидли биорегуляторларни қўллашни ижобий самарасини кўрсатувчи бир қатор илмий нашрлар мавжуд (Морозова Н.Е., 2012; Сизова М.В., 2011; Юрова О.В., 2011; Трофимова С.В., 2010). О.В.Недвецкий (2001) берган ювинил ДРда кўз микроциркуляциясининг яхшиланиши квант гемотерапия курсидан сўнг аниқланди. Сосорова Д.В. (2005) олиб борган ишларида кўрув нерви ўтказувчанлик функцияларининг бузилиши, ретинал ўзгаришларнинг намоён бўлиши билан корреляция бўлишини кўрсатди. Муаллиф томонидан ДР беморларини комплекс даволашда кўрув нервининг тери орқали электростимуляциясини қўлланилди, бу эса интраокуляр гемодинамикани яхшиланишига ва кўриш функциясини ортишига олиб келди. Л.В.Корзенкова ва ҳаммуаллифлар томонидан (2006) гипосеротонемия ва тромбоцитлар дисфункцияси билан кечган ДРни даволашда серотонин билан тўйинтирилган фаоллаштирилган аутоплазмаларни қўллашни таклиф этади. Т.Н. Киселева (2007) НДРни даволаш ва вена тўрини окклюзион шикастланиши учун пентоксифиллин - Вазонитнинг ретард шаклини қўладилар.

Мамлакатимизда диабетик ретинопатиянинг патогенези, касалликни барвақт аниқлаши ва ривожланишини олдини олиши бўйича бир неча изланишлар олиб борилган (Бахритдинова Ф.А., 2000; Камилов Х.М., 2008; Абасханова Н.Х., 2008; Янгиева Н.Р., 1997; Жамалова Ш.А., 2018; Кхера А., 2018). Жумладан, лазерли даволашдан кейинги ретиналамин қўллашни самарасини ўрганилган (Бахритдинова Ф.А., Камилова К.А., 2011). Н.Х.Абасханова томонидан олиб борган ишларида (2008) ДРни даволаш учун фаоллаштирилган аутоплазма ва солкосерил бирга қўлланди, у кўриш органининг клиник-функционал кўрсаткичларини, гемодинамика параметрларини, гемостазнинг плазма, томир ва хужайра ҳолат бўғминларини яхшилади ва 6 ой давомида уларни стабиллаштирди. Д.З.Жалоловнинг ишларида (2010) эса ДРни комплекс даволашда супрахориоидал бўшлиқни умбликодренажлаш жарроҳлик амалиётини тўр

пардани лазерли коагуляцияси билан бирга қўллашни таклиф этди. Диабетик ретинопатини даволашга қаратилган ишларнинг кўплигига қарамай, бу тур касалликларнинг учраш даражаси ҳамда асоратлар даражасини ортиб бораётганлиги даволаш усулларини такомиллаштириш борасидаги изланишларни давом эттириш лозимлигини кўрсатади.

Республикамизда бугунги кунда мазкур масалага қаратилган тадқиқот ишлари олиб борилмаган. Янги физик даволаш усуллари, шунингдек, нейротроп таъсирга эга дори воситаларининг пайдо бўлишини ҳисобга олган ҳолда ДРни даволашда манзилли етказиш билан янги усулни ишлаб чиқиш ва самадорлигини баҳолаш долзарб муаммолардан биридир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №011500212 ««Баъзи турдаги кўз касалликларини ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштиришда офтальмология амалиётида янги дори шакллари ишлаб чиқиш ва жорий этиш» (2015-2018) илмий мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кўзнинг клиник-функционал кўрсаткичлар асосида танаканни эндоназал электрофорез усулида қўллаш билан нoproлифератив диабетик ретинопатияни даволашни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

нoproлифератив диабетик ретинопатияли беморларда кўзни клиник-функционал ўзига хослигини баҳолаш;

диабетик ретинопатияни ривожланиш хавф индексини ишлаб чиқиш;

эндоназал электрофорез шаклидаги танакан препаратини манзилли етказиш билан нoproлифератив диабетик ретинопатияни комплекс даволаш тизимини ишлаб чиқиш;

кўриш фаолиятини кўрсаткичлари, кўзнинг соҳа гемодинамикаси, кўз ёш суюқлигини биокимёвий текшириш ва диабетик ретинопатия ривожланишининг хавф индекси асосида таклиф этилган даволаш самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент тиббиёт академиясининг биринчи ва иккинчи клиникаларида даволанаётган нoproлифератив диабетик ретинопатия ташхис қўйилган 165 нафар бемор (305 та кўз) олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида кўриш фаолиятини, кўриш органи қон томирларини гемодинамик параметрлари, беморларнинг кўз ёш суюқлиги олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотини вазифаларни бажаришда визометрия, тонометрия, периметрия, офтальмоскопия, биомикроскопия; биокимёвий, доплер картирланиш, статистик усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кўз томирларида систолик қон оқим тезлиги ва диабетик ретинопатиянинг оғирлик даражаси орасида тескари корреляция мавжудлиги, ЦАС, ЗКЦА, ЦВС ва ГАда қон оқими тезлиги пасайиши диабетик ретинопатиянинг оғирлашишга асосланган;

диабетик ретинопатия касаллигининг кечишини гемодинамик кўрсаткичлари асосида башоратлаш исботланган;

кўз ёш суюқлигини антиоксидант ҳимоя ва липидлар пероксидли оксидланишининг маҳсулотлари кўрсаткичларининг кўзнинг гемодинамик кўрсаткичлари билан алоқадорлиги асосланган;

азот оксиди, каталаза ва супероксиддисмутаза ферментлари даражасининг камайганлиги липидлар перекис оксидланиш даражасининг ошиши натижасида диабетик ретинопатия ривожланиши исботланган;

манзилли етказишда танаканнинг эндоназал электрофорезни кўриш органи фаолиятига таъсир этиш натижасида юзага келадиган гемодинамик ва биокимёвий кўрсаткичларнинг ўзгаришлари исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кўз олмаси томирларининг доплер картирлаш ДРни ривожланиш эҳтимоллигини ва ўтказилган даволаш чораларининг самарадорлигини баҳолашнинг ноинвазив ва энг ишончли усулларида бири эканлиги асосланган;

танаканнинг эндоназал электрофорези билан непролифератив диабетик ретинопатияни комплекс даволаш усули патогенетик асосланган;

непролифератив диабетик ретинопатияни ривожланиш ҳавф индекси ишлаб чиқилган;

ретинопатияни ривожланиш эҳтимоллигини юқори ишончли башоратлаш тартиби асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндошув ва усуллар, олиб борилган клиник тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, визометрия, тонометрия, периметрия, офтальмоскопия, биомикроскопия; биокимёвий, доплер картирланиш, статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, непролифератив диабетик ретинопатиянинг комплекс терапиясини оптималлаштириш тартиби халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти непролифератив диабетик ретинопатия ривожланишининг гемодинамик ва биокимёвий предикторлари ташхислашга янгича ёндошувни асослангани, хулоса ва таклифларнинг ДР ривожланиш патогенезини ўрганиш ишига муносиб ҳисса қўшганлиги, непролифератив диабетик ретинопатияни комплекс даволаш тизимида Танакан препаратини эндоназал электрофорез шаклида киритишни патогенетик мақсадга мувофиқлиги асослангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти непролифератив диабетик ретинопатияни Танакан препаратини эндоназал электрофорез қўллаб комплекс даволаш кўриш фаолиятини яхшилашга олиб келганлиги, кўзнинг антиоксидант ҳимояни кучайиши, кўзнинг гемодинамик кўрсаткичларини яхшилаши ва ретинопатиянинг оғирлик даражасини пасайишига олиб келганлиги билан изоҳланади. НДР ривожланишини ишлаб чиқилган ҳавф индексини қўллаш амбулатор-поликлиника амалиёти шароитида даволаш ва ташхислаш имкониятини ошириш учун ўтказиладиган терапия самарадорлигини аниқлашга имкон бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Нпролифератив диабетик ретинопатиянинг комплекс терапиясини оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Нпролифератив диабетик ретинопатияни самарали даволашни ошириш усуллари» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 1майдаги 8н-р/102-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма аҳоли орасида непролифератив диабетик ретинопатияни ташхислаш ва самарали даволаш, кўриш фаолиятининг тиклаш,

касалликнинг олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш имконини берган;

«Диабетик ретинопатияни кечишини башорат қилишда рангли доплер картирлаш» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 18 мартдаги 8н-р/97-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма аҳоли орасида ретинопатиянинг ривожланишини ўз вақтида башорат қилиш ва пролифератив босқичларга ўтишнинг олдини олиш имконини берган;

нопролифератив диабетик ретинопатияни самарали даволаш ва олдини олиш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент тиббиёт академияси учинчи клиникаси, Самарқанд ва Бухоро вилоятлари офтальмологик шифохонасида клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 12 июндаги 8н-з/102–сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг клиник амалиётга жорий қилиниши нoproлифератив диабетик ретинопатияни ташхислаш, даволаш самарадорлигини ошириш, ретинопатияни ривожланишининг олдини олиш ва асоратларни камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 10 илмий-амалий анжуманларда, жумладан 6 та халқаро ва 4 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 24 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар 6 та мақола, жумладан 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 115 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган

ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Диабетик ретинопатияни даволашнинг замонавий тассавурлари**» деб номланган биринчи бобида тўртта кичик гуруҳдан ташкил топган адабиётлар таҳлили акс этган бўлиб, унда ДРни этиопатогенези, ДРли беморларда антиоксидант ҳимоя ҳолати ва гемодинамик бузилишларнинг аҳамияти, шунингдек НДРни даволашга янгича ёндошув маълумотлари батафсил келтирилган.

Диссертациянинг «**Нопролифератив диабетик ретинопатияни самарали даволаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида текширилган беморларнинг умумий тавсифи берилган, тадқиқотнинг умумий офтальмологик ва махсус усуллари баён этилган.

Бизнинг кузатувларимиз остида НДРнинг турли босқичларида бўлган 165 нафар бемор (305 кўз) бўлди. Ўтказилган даволашга боғлиқ ҳолда барча беморлар уч гуруҳга бўлинди. Назорат гуруҳига 55 нафар беморлар киритилган бўлиб (101 кўз), улар стандарт усулидаги даволашни қабул қилдилар (тизимли: қандни камайтирувчи дори воситалари, ангиопротекторлар, метаболик даволаш, вена ичига ва маҳаллий п/б усулида эмоксипин қўллаш билан ноотропил қабул қилиш). I асосий гуруҳга 55 нафар бемор киритилган бўлиб (99 кўз), улар 1 гуруҳ беморларининг стандарт қабул қилган даволаш фонидаги ноотропил ўрнига –таблетка шаклидаги танакан дори воситасини қабул қилдилар. II асосий гуруҳни 55 нафар беморлар ташкил этган бўлиб (105 кўз), улар I асосий гуруҳдаги беморларни даволаш фонида қўлланилган эмоксипин дори воситаси ўрнига танакан дори воситасини эндоназал электрофорез усулида қабул қилдилар. «Олтин стандарт» деб эътироф этилган ETDRS таснифига мос ва касаллик босқичига боғлиқ ҳолда ДРни оғирлик даражасини баҳолаш учун ҳар бир гуруҳда кичик гуруҳлар ажратиб олинди: А- НДРли беморларнинг I^a гуруҳи (95 кўз), В- НДРли беморларнинг I^b гуруҳи (136 кўз) ва С- НДРли беморларнинг I^c гуруҳи (74 кўз).


Тадқиқот ўтказиладиган гуруҳдан декомпенсатор глаукома, тўр пардани кўчиши, кўрув нервининг атрофияси, қандли диабетнинг декомпенсацияси ва гипертония касаллиги билан оғирган беморлар чиқариб юборилди. Беморларнинг ўртача ёши $60,2 \pm 1,3$ ёшни ташкил этди. Ҳар бир босқичда қандли диабетнинг ўртача оғирликдаги компенсация босқичи кузатилди. Беморлар жинси бўйича қуйидагича тақсимланди: аёллар 94 нафарни (57%), эркеклар эса 71 нафарни (43%) ташкил этди.

Барча беморларда умумофтальмологик тадқиқот усуллари ўтказилди: визометрия, тонометрия, Mainster Standart фундус линзалари ва Goldman нинг уч кўзгули линзаларини қўллаган ҳолда кўз тубини биомикроскопияси, кўриш майдони йиғиндисини аниқлаш учун Гольдман сферопериметр билан стандарт периметрия. Octopus (InterzeadgAG Switzerland) кўриш майдонини компьютер анализаторида статистик компьютер периметрияси ўтказилди, бунда абсолют ва нисбий скотомалар, тўр пардани ёруғлик сезувчанлигини аниқлаш учун 60-2 дастури қўлланилди. ЗКЦА, ЦВС, ЦАС, ГА да қон ҳаракатланишини визуализацияси учун рангли доплер картирлаш (РДК) усули ва қон келишининг қайд спектори HD 11XE (Philips) ва HI VISION Preirus (Hitachi) клиник аҳамиятли ультратовуш тизимида транспальпебрал усул билан бажарилди, унда импульс режимидаги 7-12 частотадаги тўғри чизиқли датчиклар қўлланилди. Кўз ёш суюқлигида СОД, каталазалар, МДА, азот оксидининг (NO) миқдорини биокимёвий тадқиқ қилиш ТТАнинг Марказий илмий тадқиқот лабораториясида бажарилди.

Тадқиқот натижалар Microsoft Office Excel-2010 дастурий пакети ёрдамида статистик қайта ишланди, дастур ичига киритилган функцияларидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилди.

Диссертациянинг «**Клиник-функционал тадқиқот натижалари**» деб номланган учинчи бобида тадқиқот натижасида олинган кўриш ўткирлиги, кўриш майдонининг йиғиндисини, компьютерли статистик периметрия, даволаш жараёнида беморлар кўз тубини тадқиқ қилиш натижалари тақдим этилди.


Назорат гуруҳида ўтказилган визометрия А кичик гуруҳида кўриш ўткирлигини 15,4%га ошганлигини кўрсатди, бироқ турғун ҳолатда бу 3 ойгача сақланди, 6 ойнинг охирига келиб эса яна бошланғич ҳолатга қайтди. Бундан ташқари 6 ойда кўриш ўткирлиги аввалгидан ҳам ёмонлашди. I асосий гуруҳда даволаш ўтказилгандан сўнг НДРли I^a гуруҳ ва I^b гуруҳ беморларида кўриш ўткирлиги 20,6%га ишончли равишда ортганлиги ($P<0,01$) аниқланди, бироқ жараённинг турғунлиги 3 ойгача сақлаб қолинди ҳолос. НДРли I^c гуруҳ беморларида ўтказилган даволаш давомида кўриш ўткирлигининг ишончли равишда ортиши кузатилмади. II асосий гуруҳда 10 кундан кейин кўриш ўткирлигининг ишончли равишда ортиши 46% кузатилди, бунда эришилган кўриш даражаси кузатувнинг бутун даври мобойнида сақланиб қолди, буларнинг барчаси тақлиф этилган даволаш усулини узоқ муддатли, юқори самарали эканлигини тасдиқлайди.



1-расм. Тадқиқ қилинган гуруҳлардаги НДРли беморларини даволаш жараёнида кўриш ўткирлигининг динамикаси.


II асосий гуруҳдаги йиғинди периметрияни тадқиқ қилиш ўтказилган даволашдан сўнг кўриш майдони чегарасини ишончли 28%га кенгайиши ($P < 0,01$) ва эришилган натижани 6 ой давомида сақланишини кўрсатди, бунда назорат гуруҳида эса кўриш майдонининг кенгайиши ишончсиз ва нотурғун бўлди.

Ўтказилган статистик компьютерли периметрия, назорат гуруҳида даволашдан сўнг тўр пардани ёруғликка сезувчанлигини ортиши 8%га ва бир ойдан сўнг 10,1% бўлганлиги ишончсиз эканигини ($P \geq 0,05$) кўрсатди, бундан ташқари, 6 ой охирига келиб, ёруғликка сезувчанликни пасайиши аввалги даражадан ҳам паст бўлганлиги кузатилди. I асосий гуруҳда тўр пардани ёруғликка сезувчанлигини ишончсиз равишда 11,9% га ошганлиги аниқланди ($P > 0,05$). II асосий гуруҳда даволаш ўтказилгандан сўнг тўр парданинг ёруғлик сезувчанлигини 14,4%га ишончли ортиши ($P < 0,05$) ва бир ойдан сўнг 21,9%га ортиши кузатилди, ўртача нуқсонини 25%га камайиши, шунингдек, абсолют ва нисбий скотомалар миқдорини ишончли равишда камайиши ($P < 0,01$) кузатилди. Шу нарса диққатга сазоворки, даволаш ўтказилгандан сўнг 6 ой ўтгач тўр пардани ёруғлик сезувчанлиги бўйича эришилган юқори натижалар даволашгача бўлган кўрсаткичларга нисбатан турғун ва ишончли ($P < 0,05$) бўлиб қолди, нисбий скотомалар миқдори эса бошланғич белгилардан ишончли равишда паст ($P < 0,05$) натижаларни кўрсатди, буларнинг барчаси танаканни эндоназал электрофорезли қўллаш комплекс терапиясини турғун ва узок муддатли эканлигидан гувоҳлик беради.



2-расм. II асосий гуруҳ беморининг ўнг кўзи статистик компьютерли периметрияси даволашдан олдин ва кейин.

Диабетик ретинопатиянинг ETRDS оғирлик даражаси якуний шкаласи асосида Америка офтальмологлари академияси таснифи (2003 й.) асосида бизлар томонимиздан ишлаб чиқилган 20 балли тизим ёрдамида баҳоланди. Назорат гуруҳида ўтказилган даволашдан сўнг диабетик ретинопатиянинг оғирлик индексини (ДРОИ) ишончсиз пасайиши олинди ($P > 0,05$), I^a , I^b , I^c босқичларига мос ҳолда бунда кўрсаткичлар 13,5%, 11,6% ва 3,7%га тенг бўлди. Бироқ, даволаш ўтказилгандан 6 ой ўтиб ДРОИ даволашгача бўлган кўрсаткичларга нисбатан ишончли равишда 17,3%, 22,1% ва 24,6% га ортди ($P < 0,05$), бу ДРни кечишини оғирлашиш ва ўтказилган даволашни нотурғунлигидан гувоҳлик беради. I асосий гуруҳда ўтказилган даволаш назорат гуруҳида ўтказилган даволашга нисбатан самарали бўлиб ҳисобланди, аммо узок даврда нотурғун натижаларга эга бўлди, бу айниқса НДРнинг I^c босқичида яққол сезилди. II асосий гуруҳда ўтказилган даволашдан сўнг ДРОИни 20,3%, 25,3% ва 25,6%га I^a , I^b , I^c босқичларига мос ҳолда ишончли ($P < 0,01$) пасайиш маълумотлари олинди, 6 ойгача бу кўрсаткичлар дастлабки катталиклардан ишончли равишда паст бўлиб қолди, булар ўтказилган даволашни турғун самарали эканлигидан гувоҳлик беради.



3-расм. II асосий гуруҳ беморининг кўз туби кўриниши, даволашдан олдин ва кейин.

Шундай қилиб, турли гуруҳларда ўтказилган даволаш натижаларини қиёсий таҳлилини ўтказиш шуни кўрсатдики, НДРни турли босқичларидаги беморларда танакан дори воситаси ёрдамида эндонозал электрофорез усулини қўллаш билан комплекс даволашни олиб бориш кўриш органи функционал кўрсаткичларини ва кўз туби ҳолатини сезиларли яхшиланишига олиб келади. Бундан ташқари таклиф этилган комплекс терапия ўзининг турғунлиги ва кузатишларнинг 6 ойи давомида ҳам эришилган натижаларнинг давомийлиги билан ажралиб туради.

Диссертациянинг «Даволаш жараёнида НДРли беморларни кўз гемодинамикаси ва кўз ёш суюқлиги метаболик ўзгаришларини қиёсий баҳолаш» деб номланган тўртинчи бобида НДРли беморлар гемодинамика ҳолати ва кўз ёш суюқлиги ПОЛ-АОС тизим ҳолатини таҳлили ёритилган.

Бизлар томонимиздан кўз ёш суюқлигини тадқиқ қилиш ДРни оғирлашиб бориши билан унинг таркибидаги NO даражасини аста секин пасайиб боришини кўрсатди. Демак, I^a босқичдаги НДР беморларида NOнинг даражаси статистик аҳамиятли 20,3%га ($P < 0,05$) пасайса, I^b, I^c босқичларида ушбу пасайиш 47,5% ва 66,9% га амалий соғлом шахсларнинг (АСШ) кўрсаткичларидан паст бўлганлигини ташкил этди. МДАнинг статистик аҳамиятли даражаси ($P < 0,001$) 2,6, 2,8 ва 3,14 марта ортди, бу АСШ нисбий белгили НДРнинг I^a, I^b, I^c босқичларига мос бўлди. Патологик жараёни оғирлашиб бориши билан СОД ва каталазалар фаоллиги жадал суратда пасаяди, бу ДР беморларида ПОЛ-АОС тизими дисбалансини мураккаблашганлигидан ва гидроперекиснинг зарарловчи таъсири натижасида кўзнинг муҳити ҳамда ҳимоя тўқималари табиий даражасини пасайганлигидан гувоҳлик беради.

Ўтказилган даволашдан сўнг олиб борилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, назорат гуруҳида NO даражаси АСШ даражасидан ишончли равишда 32,5%га паст бўлганлигини ва I асосий гуруҳда бу кўрсаткич 15,8%га тенг бўлганлигини, II асосий гуруҳда эса NO нинг даражаси ўртача олганда меъёрий даражага етди. Бундан ташқари, даволаш ўтказилгандан сўнг I ва II гуруҳда даволашгача бўлган кўрсаткичларга нисбатан солиштирилганда кўрсаткичларни ишончли ($P < 0,05$) равишда 39,3% ва 67,8%га мос ҳолда яхшиланиши кузатилган бўлса, назорат гуруҳида бу кўрсаткич 11,2% ишончсиз ($P > 0,05$) яхшиланиши кузатилди.

Шунингдек, МДА даражасини ишончсиз пасайиши ($p > 0,05$) назорат гуруҳида 9,6%га ва даволашгача нисбий кўрсаткичларни I ва II асосий гуруҳларида 41,1% ва 52,9%га ишончли ($p \leq 0,05$) пасайиши қайд этилди. Назорат гуруҳида каталазалар фаоллик кўрсаткичи ўзгармади. I ва II асосий гуруҳларда кўрсаткичлар ишончли равишда 55,6% ва 100% га даволашгача бўлган нисбий кўрсаткичлар яхшиланди. СЖдаги СОД фаоллиги динамикасининг таҳлили назорат гуруҳида кўрсаткичларни ишончсиз 4,7%га ортишини ва СОДни I ва II асосий гуруҳларда фаоллигини 54,1% ва 83,5% га мос ҳолда ишончли ортишини аниқлади, бунда II асосий гуруҳдаги бу кўрсаткичлар I асосий гуруҳдаги шу кўрсаткичлардан ишончли равишда юқори бўлади, буларнинг барчаси Танаканнинг эндоназал электрофорезини киритилиши билан олиб борилган комплекс даволаш усулини юқори самарали эканлигидан гувоҳлик беради.

Шундай қилиб, антиоксидант нейропротектор дори воситаси Танаканни қўшиш билан ўтказилган патогенетик терапия кўриш органларида антиоксидант ҳимоя кўрсаткичларини яхшилашга эришишга имкон беради, бунда энг яхши натижа даволашга Танаканнинг эндоназал электрофорезини қўшиш натижасида олинади.

Даволашгача бўлган муддатда ретробульбар бўшлиққа ва кўз олмаси томирларига қон келишини баҳолашда НДР I^a босқичининг бошланғич даврида ЦАСга қон келишини кучайиши ва меъёрий кўрсаткичларга НДРнинг I^c учинчи ҳамда I^b иккинчи босқичларида ЗКЦА ва ЦАС га қон келишини ривожланувчи ($p \leq 0,001$) ишончли пасайиши, шунингдек ЦАС ва ЗКЦАда резистентлик индекси (RI) ни ишончсиз ортиши аниқланди.

1-жадвал

Даволашгача бўлган босқичда гемодинамика меъёрлари ($M \pm m$)

	ЦАС V _s	ЦАС RI	ЦВС V _s	ЗКЦА V _s	ЗКЦА RI	ГА V _s	ГА RI
Амалий соғлом	13,7±0,3	0,68±0,01	7,48±1,02	14,8±0,3	0,67±0,01	41,7±0,7	0,76±0,01
НДР Ia	14,8±1,09	0,72±0,01	6,48±0,29	11,4±1,23*	0,66±0,01	30,2±3,2**	0,73±0,02
НДР Ib	7,3±0,27** #	0,73±0,01	4,58±0,35*#	10,6±0,4** #	0,71±0,006** #	44,4±2,2#	0,73±0,02
НДР Ic	5,1±0,33***#^	0,66±0,01 #^	3,97±0,47***#	10,2±0,6**	0,72±0,01***#	36,7±2,3*^	0,78±0,02

Изох: V_s—максимал систолик қон оқими тезлиги; *p < 0,05 ; **p < 0,01 —амалий соғлом инсонларнинг нисбий кўрсаткичларининг ишончли фарқи; #—1-а кичик гуруҳчаларнинг нисбий қиймати; ^— 1- b гуруҳчанинг нисбий қиймати (P< 0,05)

Босқичлар бўйича ЦАС энг юқори систолик тезлигини ўртача кўрсаткичларининг фарқи аниқланди: I^a, I^b ва I^c босқичларига мос холда 14,8±1,09; 7,3±0,27 ва 5,1±0,33. Тўр парда марказий венасига қон оқими тезлигини ўзгаришини босқичлиги аниқланди: НДР I^a босқичида 6,48±0,29 (меъёрда 7,48±1,02) бўлган қон оқими тезлигини ишончсиз пасайиши аниқланди, НДР I^b ва НДР I^c босқичларида эса ЦВСда қон оқими тезлигини ишончли (p<0,05) ривожлантирувчи пасайиши кузатилди: 4,58±0,35 ва 3,97±0,47 га мос холда, бу ретинопатияни ривожланиб бориш даражасида ортиб боровчи веналар дилатациясидан гувоҳлик беради. НДР I^a босқичи билан солиштирилганда НДР I^c ва НДР I^b босқичларида орқа қисқа цилиар артериясининг резистентлик индексини (RI) ишончли равишда ортиши қайд этилган бўлиб, непролифератив диабетик ретинопатиянинг ўртача ва оғир босқичларида лоцияланувчи артериялар бассейнида циркулятор қаршиликни ортишидан гувоҳлик беради.


Кўз гемодинамикаси кўрсаткичлари ва ПОЛ-АОС тизим кўрсаткичлари ўртасидаги ўзаро алоқани аниқлаш мақсадида бизлар томонимиздан корреляция коэффиценти ўрганилди ва ҳисоблаб чиқилди. NO даражаси ва ЦАС, ЦВСда қон оқими систолик тезлигининг тўғри корреляцияси, ГА ва ЗКЦА, ЦАС, ЦВС да қон оқими диастолик ва систолик тезлиги ҳамда МДА даражаси ўртасида тескари корреляция аниқланди.

Босқичлар бўйича (№2 жадвал) кўз гемодинамикаси кўрсаткичлари ва ДРОИни таққослашда бизлар томонимиздан аниқландики, ДРОИни ортиши билан ЦАС, ЦВС, ЗКЦА ва ГА да V_s пасаяди, шунингдек ЗКЦАда RI ортади.

Кўз гемодинамика кўрсаткичлари ва ДР оғирлик индексини солиштириш

ДР стадиялар	ДРОИ	Максимал систолик қон оқими тезлиги				Резистентлик индекси
		ЦАС V_s	ЦВС V_s	ЗКЦА V_s	ГА V_s	ЗКЦА RI
НДР Ia	5,7±0,2**	14,8±1,09	6,48±0,29	11,4±1,23*	30,2±3,2**	0,66±0,01
НДР Ib	8,2±0,4**#	7,3±0,28**#	4,58±0,35#	10,6±0,4**	44,4±2,2#	0,71±0,006**#
НДР Ic	12,1±0,6**# ^	5,1±0,34**#^	3,97±0,47**#	10,2±0,6**	36,7±2,3^	0,72±0,01**#

Изох: V_s —максимал систолик қон оқими тезлиги; * $p < 0,05$; ** $p < 0,01$ —амалий соғлом инсонларнинг нисбий кўрсаткичларининг ишончли фарқи; #—1-а кичик гуруҳчаларнинг нисбий қиймати; ^— 1- b гуруҳчанинг нисбий қиймати ($P < 0,05$)



4-расм. Кўз гемодинамика кўрсаткичлари ва ДРОИ орасидаги корреляцион алоқа


V_s ЦАС ва ДРОИ ($r=-0,68$), V_d ЦАС ва ДРОИ ($r=-0,64$), V_s ЦВС ва ДРОИ ($r=-0,46$) барча гуруҳлари ўртасида кучли ва ўртача тескари корреляцион алоқа корреляцион таҳлил давомида аниқланди (4- расм). Ретинопатиянинг оғирлик индекси билан V_s ЗКЦА ўртасидаги ўртача тескари ($r=-0,37$), резистентлик индекси (RI ЗКЦА) ўртасидаги ўртача ижобий ($r=0,36$) корреляцион алоқа аниқланди. Бу билан боғлиқ ҳолда V_s ва V_d ЦАС, V_s ЦВС, V_s ва RI ЗКЦА

каби гемодинамик кўрсаткичлар НДР таҳлил босқичларининг мезонлари бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, НДР босқичларини доплерографик мезонлари белгиланди, натижада ривожланувчи ДР предиктори ва маркери сифатида ўрганилаётган омилларнинг башоратли аҳамияти аниқланди.

Даволашдан сўнг турли муддатларда гемодинамикани тадқиқ қилишда назорат гуруҳида Vs ЦАСни ишончсиз 6,6%га ортиши, кейинчалик эса регрессия кузатилди, бу ҳолат касаллик ривожланаётганлигини кўрсатади. Даволашдан сўнг I асосий гуруҳида Vs ЦАСни сезиларли 30,8%га ортиши кузатилди, бундай яхшиланиш 3 ойгача давом этди, сўнггра регрессия кузатилди. II асосий гуруҳида ўтказиладиган даволаш самарадорлиги яққолроқ намоён бўлган ва турғун бўлди.

Vs ЦАС $9,88 \pm 0,96$ бошланғич белгига эга бўлган ҳолда даволаш ўтказилгандан сўнг ишончли ($p \leq 0,05$) равишда 42,3%га ошди ва кузатувнинг барча даври мобойнида ишончли юқори белгиларни сақлаб қолган ҳолда $14,06 \pm 1,11$ мм/с ни ташкил этди. Бунда RI даволашдан сўнг ишончли ($p \leq 0,05$) пасайди ва кузатишнинг барча даври мобойнида бошланғич белгиларнинг ишончли фарқини сақлаб қолди, бу лоцияланувчи артериялар бассейнида периферик қаршиликни турғун пасайишини кўрсатади. II гуруҳида ўтказилган даволашдан сўнг тезлик параметрларини худди шу каби ишончли яхшиланиши ЗКЦА ва ЦВС қон оқимини ўрганишда қайд этилди (5-расм). Бунда ЗКЦА RI ишончли равишда пасайди, бу томирлар тонусини пасайишидан ва қон реологиясини яхшиланишидан гувоҳлик беради.



а

б

5-расм. II асосий гуруҳидаги беморни кўз олмаси томирларни рангли доплер картирлаш: а - даволашдан олдин Vs=9,06 см/с; б - 10 кундан кейин Vs=13,1 см/с

Шундай қилиб, ДРли турли гуруҳларда ЦАС бўйича гемодинамика кўрсаткичлари Танаканнинг эндоназал электрофорезини қўллаш билан ўтказилган комплекс даволаш самарадорлиги тўғрисида офтальмологик маълумотлар тасдиқлайди.

Юқорида келтирилган корреляцион алоқалар ва гемодинамик кўрсаткичлар ўзгаришининг босқичлилиги улар орасида энг аҳамиятли бўлганларини ДРни кечишини маркерлари сифатида қўллаш имконини беради. Шу билан боғлиқ ҳолда бизлар томонимиздан даволашдан олдин ва даволашдан кейин кўз томирлари қон оқими тезлиги бўйича ДРни ривожланиши ҳавф индекси ишлаб чиқилди ва ҳисоблаб топилди: $PXI = V_{s_{\text{даволашгача}}} / V_{s_{\text{даволашдан кейин}}}$. Динамикада ушбу омилларнинг нисбати ДР ривожланиш ҳавфининг башорат мезонлари сифатида қаралиши мумкин.

3-жадвал

Уч гуруҳ беморларида диабетик ретинопатияни ривожланиш ҳавф индекси (РХИ) (n=70), ($M \pm m$).

Гуруҳлар	РХИ ДР ЦАС V_s	РХИ ДР ЦАС RI	РХИ ДР ЦВС V_s	РХИ ДР ЗКЦА V_s	РХИ ДР ЗКЦА RI	РХИ ДР ГА V_s
назорат (n=22)	1,12±0,08	0,99±0,02	1,17±0,05	1,13±0,03	1,00±0,02	1,44±0,15
I асосий (n=24)	0,82±0,06*	1,08±0,04	0,92±0,06*	0,99±0,05*	1,00±0,04	1,20±0,15
II асосий (n=24)	0,75±0,05*	1,07±0,02*	0,77±0,07*	0,79±0,07*#	1,06±0,03	0,92 ±0,07*

Изоҳ: V_s —максимал систолик қон оқими тезлиги; RI – резистентлик индекси; * $p < 0,05$ – назорат гуруҳининг нисбий қийматининг ишончли фарқи; # $p < 0,05$ —I-асосий гуруҳнинг ишончли кўрсаткичлари

Диабетик ретинопатияни башоратлаш учун ривожланиш ҳавф индекси
белгиларини аниқлаш

НДР кечиши	РХИ Vs ЦАС, ЦВС, ЗКЦА, ГА бўйича	РХИ RI ЦАС, ЗКЦА бўйича
ижобий, даврий	<1,0	> 1,0
авж олувчи	>1,0	< 1,0

Олиб борилган тадқиқот натижаларига мос ҳолда ўтказилган даволашдан сўнг II асосий гуруҳда қон оқимининг яхшиланиши аниқланди. Назорат гуруҳига нисбатан РХИ Vs ЦАС, ЦВС, ЗКЦА ва ГА бўйича II асосий гуруҳда кўрсаткичлар ишончли равишда паст бўлиб, 0,75; 0,77; 0,79 ва 0,92 ни мос ҳолда ташкил этди. РХИ RI бўйича ЦАС ва ЗКЦА мос ҳолда 1,07 ва 1,06ни ташкил этди. II асосий гуруҳда РХИнинг бундай кўрсаткичлари НДРни ижобий турғун кечишини башорат қилиш имконини беради.

Шуни таъкидлаш зарурки, назорат гуруҳида ДР РХИнинг энг юқори кўрсаткичлари (РХИ>1) ушбу гуруҳда даволаш самарадорлиги энг паст бўлганлигини кўрсатади.

Ишлаб чиқилган ривожланиш ҳавф индекси (РХИ)нинг башорат қилишдаги аҳамиятини тасдиқлаш учун динамикада ДРни клиник кечишини баҳолаш ўтказилди, кейинчалик РХИнинг башорат қилишдаги белгиларини корреляцион таҳлили ўтказилди ва кузатувнинг узок даврида ретинопатиянинг оғирлик даражаси кўрсаткичлари динамикаси баҳоланди.

ДР оғирлик индексининг (ДРОИ) динамикаси даволашгача бўлган даврда ва кузатувнинг 6 ойидан сўнг ДРОИ фарқини аниқлаш усули билан топилди:
 $\Delta \text{ДРОИ} = \text{ДРОИ}_{6 \text{ ой}} - \text{ДРОИ}_{\text{даволашгача}}$

Гуруҳлар бўйича динамикада ДР оғирлик индекси (ΔДРОИ) ва
ретинопатиянинг ривожланиш ҳавф индекси (РХИ) орасидаги корреляцион
алоқа

	ΔДРОИ назорат (n=22)	ΔДРОИ I асосий (n=24)	ΔДРОИ II асосий (n=24)
ЦАС V _s бўйича РХИ	0,71***	0,53**	0,68***
ЦАС RI бўйича РХИ	0,62***	0,39*	0,37
ЦВС V _s бўйича РХИ	0,43*	0,54**	0,69***
ЗКЦА V _s бўйича РХИ	0,42*	0,41*	0,57**
ЗКЦА RI бўйича РХИ	0,24	0,19	-0,13
ГAV _s бўйича РХИ	0,36	0,24	0,48*

Изоҳ: *p< 0,05; **p< 0,01; ***p< 0,001 – корреляция коэффиценти ишончли.

5-жадвалдан кўриниб турибдики, барча уч гуруҳга кировчи беморларда даволаш ўтказилгандан 6 ой ўтиб, ΔДРОИ ва V_s бўйича РХИ орасида ишончли тўғри корреляцион алоқа мавжудлиги аниқланди. Кўрсатилганлар шундан гувоҳлик берадики, ҳисобланган V_s РХИ қанча юқори бўлса, 6 ойдан сўнг ДРОИ шунча юқори бўлади, демак бунинг натижасида узок даврда ривожланувчи ДРнинг белгилари шунча кўп бўлади. Аниқландики, ДРни ривожланишини башорат қилиш учун энг аҳамиятли бўлган белгилар бўлиб, ЗКЦА, ЦВС ва ЦАСдаги систолик қон оқими тезлиги ҳисобланади. Олинган натижалар таклиф этилган ДРни ривожланиш ҳавф индексини башорат қилишдаги аҳамиятини тасдиқлайди.

Шундай қилиб, Танаканни эндоназал электрофорез қилиш йўли билан киритилган НДРни комплекс даволаш стандарт даволашга нисбатан янада самарали ҳисобланади, кўриш функцияларини тикланишига олиб келади, кўз тўқималарида антиоксидант ҳимоя жараёнларини тиклайди, кўз гемодинамикасига ижобий таъсир кўрсатади. Таклиф этилган даволашнинг 10 кунлик курсидан сўнг эришилган самара 6 ой давомида етарли даражада турғун бўлиб ҳисобланади. Даволашнинг ушбу комбинацион усули ДР

кечишини турғунлигини таъминлайди ва ҳавфли асоратлар ривожланишини олдини олади, шу билан ногиронликни пасайтиришга ёрдам беради ва беморлар ҳаёт сифатини оширади.

ХУЛОСАЛАР

«Нопролифератив диабетик ретинопатиянинг комплекс терапиясини оптималлаштириш» мавзусидаги фалсафа доктори диссертацияси (PhD) олинган натижалар асосида қуйидаги хулосалар қилинди:

1. Аниқландики, ДРнинг оғирлик даражаси ва кўриш функциялари ЦАС, ЦВС, ЗКЦА, ГА қон оқими тезлигини ўзгариши ва ЦАС ҳамда ЗКЦА резистентлик индекси ўртасида боғлиқликда бўлади.

2. ДРнинг оғирлик даражаси ва кўз гемодинамикаси маълумотлари асосида ишлаб чиқилган нопролифератив диабетик ретинопатиянинг ривожланиш ҳавф индекси диабетик ретинопатияни даволаш самарадорлигини баҳолашда ва касаллик кечишини башорат қилиш кўрсаткичларида маълумот берувчи бўлиб ҳисобланади.

3. Кўзнинг клиник-функционал кўрсаткичларини ўрганиш асосида шу нарса аниқландики, танакан эритмаси ёрдамида эндоназал электрофорез билан ишлаб чиқилган даволаш усули 91% ҳолатда самарали даволашга эришишга, кўриш ўткирлигини 46%га, кўриш майдони йиғиндисини 28% га, оширишга, ёруғликка сезувчанлигининг ўртача нуқсонини 25%га, ретинопатиянинг оғирлик индексини 24%га камайтиришга имкон берди ва 6 ой давомида турғун самарага эришилади.

4. Кўз гемодинамикаси, кўз ёш суюқлигининг биокимёвий параметрлари ва жараён ривожланишининг ҳавф индекси маълумотлари асосида белгиландики, ишлаб чиқилган Танакан дори воситасини эндоназал электрофорез усулида комплекс қўллаш схемаси, кўз гемодинамикасини 31% га яхшилашга, кўзнинг антиоксидант ҳимоясини 76% га оширишга имкон берди, диабетик ретинопатияни ривожланиш ҳавф индексини тасдиқланишига ва 6 ой давомида даволаш самарадорлигини эришилган турғунлигини сақлаш имконини берди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.28.12.2017.Tib.59.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
СТОМАТОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ

КАНГИЛБАЕВА ГУЗАЛЬ ЕРКИНОВНА

**ОПТИМИЗАЦИЯ КОМПЛЕКСНОЙ ТЕРАПИИ
НЕПРОЛИФЕРАТИВНОЙ ДИАБЕТИЧЕСКОЙ РЕТИНОПАТИИ**

14.00.08 – Офтальмология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2018.2.PhD/Tib628.

Диссертация выполнена в Ташкентской медицинской академии.

Аннотация диссертации размещена на трех (узбекском, русском, английском (резюме)) языках на веб-странице Научного совета (www.tsdi.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Бахритдинова Фазилят Арифовна

доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты:

Иванова Нанули Викторовна

доктор медицинских наук, профессор
(Российская Федерация)

Бузруков Батир Тулкунович

доктор медицинских наук, доцент

Ведущая организация:

**Ереванский государственный медицинский
университет имени Мхитара Герац
(Армения)**

Защита диссертации состоится «_____» _____ 2019 года в _____ часов на заседании Научного совета DSc.28.12.2017.Tib.59.01 при Ташкентском государственном стоматологическом институте. (Адрес: 100047, г.Ташкент, Яшнабадский район, улица Махтумкули, 103. Тел.: (+99871) 230-20-65; факс: (+99871) 230-47-99; e-mail: tsdi2016@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного стоматологического института (зарегистрирована за № _____). Адрес: 100047, г. Ташкент, Яшнабадский район, улица Махтумкули, 103. Тел.: (+99871) 230-20-65.

Аннотация диссертации разослана «_____» _____ 2019 года.

(реестр протокола рассылки № _____ от «_____» _____ 2019 года).

Ж. А. Ризаев

Председатель научного совета по присуждению

учёных степеней, доктор медицинских наук

Л. Э. Хасанова

Учёный секретарь научного совета по присуждению
учёных степеней, доктор медицинских наук, доцент

Х.М. Камилов

Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению учёных степеней,
доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Среди населения всего мира нарушение правил здорового питания, чрезмерное употребление минеральных вод в дневном рационе, увеличение индекса массы тела, состояния артериальной гипертензии создают условия для развития сахарного диабета (СД). В связи с широким и повсеместным распространением СД является острой социальной проблемой, относящейся к приоритетам национальных систем здравоохранения практически всех стран мира. Масштабность и медико-социальная значимость проблемы СД обусловлена нарастающей тенденцией роста численности больных, достигшей по данным ВОЗ «...422 миллиона человек...»¹. Общеизвестным является мнение, что диабетическая ретинопатия (ДР) - это сосудистое осложнение СД, приводящее к полной слепоте у лиц любого возраста. Патогенетические механизмы ДР многообразны и не полностью изучены, однако большинство авторов выделяют «...широкий спектр обменных нарушений, обусловленных гипергликемией, насыщением клеток глюкозой и преобладанием полиолового пути ее расщепления...»².

По всему миру проводятся многочисленные научные исследования, направленные на оптимизацию комплексной терапии ДР, включающие изучение клинко-функциональных особенностей глаза и обоснование индекса риска прогрессирования диабетической ретинопатии. Еще полностью не изучены причины возникновения ДР, не разработаны критерии ранней диагностики ДР, не разработаны критерии стадийности ДР по данным биохимических параметров слезной жидкости, не изучены особенности гемодинамики глаза при различных стадиях диабетической ретинопатии, не разработаны критерии прогрессирования ДР. В связи с этим особо важное значение приобретает ранняя диагностика и профилактика ДР, исследование зрительных функций, гемодинамики глаза, биохимии слезной жидкости, и оценка эффективности комплексного метода лечения ранних стадий ДР с применением эндоназального электрофореза на основе индекса риска прогрессирования диабетической ретинопатии и оптимизации комплексного

1 Глобальный доклад по диабету ВОЗ 2016 www.who.int/diabetes/global-report

2 D.A.Antonetti, R.Klein, T.W.Gardner. Mechanisms of disease: Diabetic Retinopathy // The new England Journal of Medicine.2012. Vol.366. N 13. P. 1227-1239

лечения НДР, а также уменьшение осложнений заболевания и усовершенствование профилактических мероприятий.

С целью развития медицины нашей страны, соответствия мировым стандартам, уменьшению хронических заболеваний в Указе Президента Республики Узбекистан УП-5590 от 7 декабря 2018 года «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» поставлены следующие задачи: «...повышение эффективности, качества и доступности медицинского обслуживания населению нашей страны, в том числе путем формирования системы медицинской стандартизации, внедрения высокотехнологичных методов диагностики и лечения, эффективных моделей патронажа и диспансеризации, поддержки здорового образа жизни и профилактики заболеваний...»³. Выполнение этих задач дает возможность уменьшить заболевания зрительных органов среди населения, поднять на новый современный уровень медицинское обслуживание в диагностике и лечении и с помощью совершенствования качественной медицинской помощи с применением современных инновационных технологий уменьшить развитие слепоты и показатели инвалидности в результате осложнений диабетической ретинопатии.

